Оқсаройда қабул

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 25 октябрь куни Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг (ЕХҲТ) кам сонли миллатлар иши бўйича Олий комиссари Макс ван дер Стулни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари ЕХҲТ вакилини юртимизга ташрифи билан қутлар экан, унинг вазифаси қамраган соҳа ғоят муҳим аҳамиятга молик эканлигини таъкидлади.

Дарҳақиқат, дунёнинг айрим минтақаларида миллатлар ва элатлараро муносабатлар танг аҳволда. Айниқса, 90-йиллар бошида собиқ Югославия заминида ташкил топган янги давлатлардаги вазият ғоят мураккаблашган эди. Шу ҳисобга олинган ҳолда, 1992 йили ЕХҲТ қошида кам сонли миллатлар иши билан шуғулланувчи комиссарлик ташкил этилган эди. Бу орган фаолияти жойларда миллатлар ёки элатлараро низолар келиб чиқишининг олдини олишга қаратилган.

Ўзбекистонда юздан ортиқ миллат вакили яшайди. Таъкидлаш жоизки, уларнинг барчаси қандай миллатга мансублиги, қайси динга эътиқод қилиши, қандай сиёсий қарашларга эга эканлигидан қатъи назар, тенг ҳуқуқ ва эркинликларга эга. Бу Асосий Қонун — Конституцияда қатъий белгилаб қўйилган. Оддий мисол сифатида Ўзбекистонда яшовчи турли миллатларнинг кўплаб миллий-маданий марказлари кенг фаолият юритаётганини келтириш мумкин. Мазкур марказлар нисбатан кам сонли миллатларнинг анъаналари, маданияти ва санъатини тарғиб этиш билан бирга, мамлакатимизда миллатлараро дўстлик ва тотувликни мустаҳкамлашга ҳам катта ҳисса қўшмоқда.

ЕХҲТ Олий комиссарининг Ўзбекистонга ташрифдан кўзлаган мақсади ҳам бу борада юртимизда амалга оширилаётган кенг миқёсли ишлар, мамлакатимизда яшовчи турли миллатларнинг маданий марказлари фаолияти билан танишишдан иборат.

Учрашувда Ўзбекистоннинг ЕХҲТ билан алоқаларини янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА)

Суратда: қабул пайти.

Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган сурат

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1999 йил 26 октябрь, сешанба • № 125 (25.520).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Самарқанд вилояти меҳнаткашларига

Азиз дўстлар!

Барчангизни Она-Ватан хирмонига 250 минг тонна пахта топшириб, шартнома режасини бажарганингиз билан чин дилдан муборакбод этаман!

Сизнинг бу меҳнат зафарингиз, авваламбор, орият, мардлик ва лафзи ҳалолликни фазлу одат қилган Самарқанд халқига, айниқса унинг ерга кўнгил берган заҳматкаш пахтакорига хос меҳр-оқибат, фидойилик самарасидир.

Меҳр қўйган даласидан ҳамиша мадад, куч-қудрат топган асл деҳқон ўз тақдирини, фарзандлари келажагини ва юрт истиқболини табаррук Она-ер саховати билан боғлаб яшайди.

Самарқандликларнинг бу меҳнат зафари вилоятда деҳқоннинг меҳнатига, ерга ва мулкка муносабатда янгича қарашлар тобора мустаҳкам қарор топаётганидан, ташаббус, изланиш ва тадбиркорлик турмуш тарзига айланиб бораётганидан далолат.

Ўз иззатини билган одам меҳнатининг ҳам қадрига етади. Мамлакат пахта хирмонига яна 25 минг тонна ҳосил топширишга бел боғлаганингиз бунинг исботидир.

Қадрли ҳамюртларим!

Меҳнат зафарингиз яна бир бор муборак бўлсин! У ҳар бирингизнинг рўзғорингизга тўкинлик, қут-барака келтирсин!

Барчангизга соғлик-саломатлик, тинчлик-омонлик, эзгу ишларингизда омад тилайман!

Парвардигорнинг ўзи сизларни ҳамиша қўлласин!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Халқаро кураш ассоциациясининг фахрий Президенти Ислом Каримов жаноби олийларига

Муҳтарам жаноби олийлари!

Биз, Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун кураш бўйича иккинчи Халқаро турнир иштирокчилари бўлган йигирмадан ортиқ мамлакат вакиллари, юртингизда бу жозибали ва мардона спорт турини ривожлантириш юзасидан катта ишлар қилинаётганига гувоҳ бўлдик ва буни самимият билан қайд этмоқдамиз.

Шуниси эътиборга моликки, бу турнирда биринчи марта хорижий давлатларда ўтказилган кураш бўйича чемпионатларнинг биринчи ғолиблари иштирок этди.

Бугун 5 қитъанинг кураш гиламларида «кураш», «ҳалол» каби ўнлаб ўзбек сўзлари янграмоқда. Кураш клублари, федерациялари тузилмоқда. Минглаб спортчилар ўзбек кураши билан астойдил шуғулланмоқда.

Буларнинг ҳаммаси қадимий ўзбек анъаналари, қадриятлари, урф-одатлари, турмуш тарзи ва унинг ажралмас қисми бўлмиш кураш жаҳон цивилизацияси, маданияти билан уйғунлигининг, мослигининг рад этиб бўлмас далилидир.

Ана шундай бебаҳо меросдан баҳраманд бўлиш имкониятини бизга ҳам яратиб берганлигингиз ҳар қанча таҳсинга муносибдир.

Ўйлаймизки, яқин келажакда кураш дунёдаги кўплаб халқларнинг, миллату элатларнинг маънавий мулкига яна бир бойлик бўлиб қўшилади. Ана шундай кунларнинг тезроқ келишида биз сизга камарбаста бўлиб қоламиз.

Турнирнинг юқори савияда ўтказилганлиги учун энг самимий миннатдорлигимизни қабул қилишингизни сўраймиз ҳамда сизга ва халқингизга сиҳат-саломатлик, фаровонлик тилаймиз.

Эҳтиром билан,

Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун кураш бўйича иккинчи Халқаро турнир иштирокчилари

1999 йил 22 октябрь, Термиз шаҳри

Кўргазмада қурилиш индустрияси

Бугун «Ўзэкспомарказда» 3-халқаро қурилиш кўргазмаси намойиши бошланади. «Construel Central Asia — 1999» кўргазмаси Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ва Молия қурилиш корпорацияси ҳамкорлигида ўтказилмоқда.

Ўзбекистон Австрия, Германия, Литва, Россия ҳамда Туркия давлатларининг 20 та йирик компания ва фирмалари ўзларининг қурилиш технологияси ва материаллари билан қатнашмоқда.

Кўргазмада меъморчилик ва замонавий безакчилик соҳасидаги энг янги ишланмалар қурилиш индустрияси учун қурилмалар, биноларни иситиш ва салқинлатиш ускуналари, шунингдек пол ва уни қоплаш жиҳозлари сопол, том ёпилмалари, ваннахоналар учун ускуналар, эшиклар, деразалар ва турли тўсиқлар намуналари намойишга қўйилган.

Бу кўргазмани ўтказишда «Fairtrade» фирмаси ташкилотчилик қилмоқда.

Кўргазма 29 октябрга қадар давом этади.

Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Осиё боксчиларига омад ёр бўлсин

Тошкентда, «Юнусобод» спорт мажмуида бокс бўйича XX Осиё чемпионатининг очилиш маросими бўлди. Ушбу чемпионатда 20 та мамлакатдан энг кучли боксчилар иштирок этмоқдалар.

Чемпионатнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Ҳамидулла Кароматов сўзга чиқди: дунёнинг турли бурчакларидан мамлакатимизга келган спорт делегацияларига қараб мен фахр билан шуни ҳаёлимдан кечирдимки, бизнинг меҳмондўст халқимиз ўз ерида Осиёнинг бокс бўйича XX чемпионатидек нуфузли анжуманни ўтказмоқда, — деди у. — Яқин-яқинларгача бу ҳақда фақат орзу қилишимиз мумкин эди...

Бугун эса Ўзбекистонимиз мустақилликка эришганлиги, мамлакатимиз Президенти ва ҳукумати аҳолини соғломлаштириш масалаларига, уларни спортга фаол жалб этишга аҳамият бераётгани туфайли ўзбекистонликлар нафақат спорт билан шуғулланмоқдалар, балки Осиёнинг энг кучли боксчилари тўпланган бугунги анжуман каби спорт байрамини ўтказиб, жаҳон аҳлини хурсанд қилишлари мумкин.

Бокс бўйича XX Осиё чемпионатининг барча иштирокчиларига муваффақият тилаб, Ҳамидулла Кароматов турнирнинг барча қатнашчилари Ўзбекистондан яхши таассурот билан қайтадилар, деб ишонч билдирди.

Халқаро бокс ассоциацияси президенти, профессор Анвар Чаудри турнир иштирокчилари ҳузурида сўзга чиқиб, нутқини Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга миннатдорлик билдириш билан бошлади.

— Ўзбекистон Президентининг оталарча ғамхўрлиги туфайли ўзбекистонлик спортчилар сўнгги йилларда дунёни ўзларининг муваффақиятлари билан ҳайратга солаяптилар, — деди у. — Ўзбекистон боксчилари 130 та олтин, 70 та кумуш ва 60 та бронза медални қўлга киритдилар.

«Юнусобод» спорт мажмуи мамлакатингизда спортчиларга кўрсатилаётган ғамхўрликнинг яққол далилидир. Бу ерда спортнинг кўп турлари бўйича энг юқори даражадаги мусобақалар ўтказилиши мумкин. Халқаро бокс ассоциациясидаги 30 йиллик фаолиятим давомида бундай муҳташам спорт иншоотини 20 йил илгари Торонтода кўрганман.

Нутқининг якунида Анвар Чаудри Ўзбекистон Президенти ва ўзбекистонлик бокс мухлисларини ишонтириб айтдики, Ўзбекистоннинг нафақат Осиё минтақасида, балки бутун дунёда бокс тараққиётига қўшаётган ҳиссасини юқори баҳолаётган халқаро бокс ассоциацияси Ўзбекистонда боксни ривожлантиришга бундан буён ҳам ҳар томонлама кўмаклашаверади.

Анвар Чаудри боксни ривожлантиришдаги улкан ҳиссаси учун Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовга Халқаро бокс ассоциацияси номидан махсус Кубок топширди.

Чемпионатни очиш маросимида, шунингдек, мамлакатимизнинг энг яхши боксчиларини — бокс бўйича биринчи жаҳон чемпиони Руфат Рисқиевни, мустақил Ўзбекистоннинг биринчи жаҳон чемпиони Тўлқин Турғуновни, профессионаллар орасида тўққиз маротаба жаҳон чемпиони Артур Григорянни, Муҳаммадқодир Абдуллаев ва Ўткир Ҳайдаровларни қутлашди.

(ЎзА)

Жанговар байроқ топширилди

Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармасига Ўзбекистон Республикаси Президенти номидан шуҳрат, жасорат ва эътиқод рамзи бўлган Жанговар байроқ топширилди.

Республика ички ишлар вазири З.Алматов бу байроқни мазкур бошқармага тантанали равишда топширар экан, пойтахт хавфсизлигини таъминлаш, фуқаролар тинчлиги ва осойишталигини сақлашда Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармаси ходимларининг хизмати катта эканлигини таъкидлади.

Тадбирда сўзга чиққанлар ички ишлар идоралари ходимлари юрт осудалиги йўлида самарали хизмат қилишлари учун мамлакатимиз Президенти томонидан алоҳида ғамхўрлик кўрсатилаётганини зўр мамнуният билан қайд этишди.

Айни вақтда пойтахт Ички ишлар Бош бошқармасида туб ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Ўтган қисқа вақт ичида ички ишлар идораларининг моддий-техника базаси янада мустаҳкамланди, замонавий транспорт, компьютерлар, зарур қурол-аслаҳа билан таъминланди. Уларнинг аксарияти барча қулайликларга эга бўлган биноларда фаолият кўрсатмоқда.

Шунингдек, тадбир доирасида халқ осойишталиги йўлида ўз қасамёдига содиқ қолиб, жиноятчилар билан курашда жонини фидо қилган мард ўғлонларнинг номини абадийлаштириш мақсадида бунёд этилган хотира мажмуасининг очилиш маросими ҳам бўлиб ўтди.

О. НОРБЕКОВ,
ЎзА мухбири

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

Қирғизистон ҳукумати бўш қоп билан қолди...

Боткенга бостириб кирган халқаро террорчилар Қирғизистон ҳукуматининг қўлига бўш қоп тутқазиб кетишди. Оммавий ахборот воситаларининг хабарига кўра, 25 октябрь куни жиноятчи тўдалар қўлида гаровда сақланаётган япониялик геологлар озод этилди. Қирғизистон ҳукумати гаровдагилар эвазига халқаро террорчиларга номаълум миқдорда пул ва бир неча тонна ун берган.

Энг аввало, эътиборингизни масаланинг бир жиҳатига қаратмоқчимиз. Қирғизистон ҳукумати жиноятчиларга барибир пул берар экан, нима учун икки ярим ойгача чўзиб юрди? Ахир шу вақт ичида халқаро террорчилар қанчадан-қанча бегуноҳ одамларнинг уйини бузди, ҳаётига зомин бўлди. Халқаро террорчилар билан оғиз-бурун ўпишиб, савдолашиб юришнинг нима кераги бор эди? Энди масаланинг яна бир жиҳатига эътибор беринг. Хўш, Қирғизистон нимага эга бўлди? Япония фуқароларининг озод этилиши албатта яхши. Лекин минтақа тинчлигига таҳдид солган тўдалар расмий Бишкекнинг қўлига бўш қопни тутқазиб кетди-ку. Қарғага дон берсангиз, у донни чўқилаб-чўқилаб учиб кетади. Тута олмайсиз. Қирғизистон ҳукумати ҳам қарғага дон ташлади. Лекин оқибатда чапак чалиб қолди. Минтақа хавфсизлигига тажовуз қилган, мустақил давлатга қарши жиноят содир этган, бегуноҳ одамларни ўлдирган кимсаларни қўлдан чиқарди. Яна қўшқўллаб пул ҳам тутқазиб юборди. Эртага айнан шу пулга сотиб олинган қурол яна Қирғизистоннинг ўзига қарши қаратилмаслигига ким кафолат бера олади?!.

Қарға қўлингиздаги донни чўқилаб-чўқилаб, «парр» этиб учиб кетади, яна кафтингизни ифлос ҳам қилади. Қирғизистон ҳукумати айнан шу ҳолга тушди.

Фазлиддин ДИЛШОД
(ЎзА)

Индонезияда янги президент

Жаҳон матбуоти Абдурраҳмон Воҳиднинг Индонезия президенти лавозимига сайланганини кенг шарҳламоқда. Халқ маслаҳат конгресси аъзоларидан 691 кишининг 373 таси унинг номзодини қўллаб-қувватлади. Воҳиднинг рақибаси Мегавати Сукарнопутри учун эса 313 киши овоз берди. Янги президент сирли киши сифатида намоён бўлган бўлса ҳам, бироқ, сиёсий ҳаётнинг марказида турибди. У сиёсий жиҳатдан анча етук киши. Энди Индонезия ўз тарихидаги янги даврга кириб келди. Янги президент мамлакатда демократик ислоҳотларни тезроқ ўтказишни ваъда қилмоқда. Унинг маънавий обрў-эътибори эса ҳеч кимни шубҳалантирмаяпти. Ўтган йили Индонезияда бошланган ўзини-ўзи тозалаш жараёни давом этмоқда. Янги президент сайланиши муносабати билан Жакартада кўча тўқнашувлари ҳам бўлиб ўтди. Мегавати Сукарнопутрининг сайловда кутилмаганда мағлубиятга учраши натижасида унинг тарафдорлари кўчаларга чиқиб, халқ маслаҳат конгресси томон йўл олдилар. Уларнинг йўлини полиция тўсиб чиқди. Бироқ демократик партия раҳбари Мегавати Сукарнопутри ўз тарафдорларига мурожаат қилиб, вазиятни барқарорлаштирди.

Сайлов натижаларига назар солиб, Мегавати Сукарнопутри тўла мағлубиятга учради, дейиш учун унчалик асослар йўқ. Чунки у мамлакатнинг вице-президенти этиб сайланди. Воҳиднинг саломатлигини ҳисобга олганда ҳали у президент лавозимини эгаллаши учун имкониятлар бор, дейиш мумкин.

(НОВОСТИ)

Ёш футболчилар мактаби

Пойтахтимиздаги 77-умумтаълим мактаби замирида ташкил этилган футбол мактаб-интернатининг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Янги мактабга ўқув-тарбиявий ишларни олиб бориш учун олий тоифали мутахассислар, тажрибали педагог ва мураббийлар жалб этилди. Ушбу ўқув йилида мактаб-интернатга қабул рейтинг тарзида ўтказилиб, шаҳар мактабларининг мингдан ортиқ ўқувчиларидан энг муносиблари танлаб олинди.

Интернат тарбияланувчилари учун иккита футбол майдони, гимнастика, баскетбол ва волейбол майдончалари, югуриш йўлакчаси, умумий жисмоний тайёргарлик зали ва бошқа иншоотлар муҳайё этилган.

Футбол мактаб-интернати тарбияланувчиларига ватанпарварлик ва инсонийлик ғояларини сингдириш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар ва анъаналар руҳида тарбиялаш мақсадида «Маънавият ва маърифат» хонаси фаолият кўрсатмоқда.

Тақдимот маросими қизиқарли футбол ўйини билан якунланди.

(ЎзА)

СЎЗИМИЗДАН ҲАМ, ИЗИМИЗДАН ҲАМ ҚАЙТМАЙМИЗ

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов билан суҳбат

Савол: Абдулҳафиз Марахимович! Ўзбекистон телевидениесининг биринчи дастури орқали (22.10.99й.) намойиш этилган, "Сайловлар ва биз" номли, кўрсатувда тележурналист томошабинларга бўш курсини кўрсатиб: "Мана, бизга номаълум бўлган сабаблар билан, ХДП раҳбарлари кўрсатувда қатнашмаяптилар", деди.

Агар партия раҳбарлари ҳақиқатдан ҳам мазкур кўрсатувга таклиф этилган бўлсалар, нима сабабдан уларнинг иштирок этмаганликларини айта оласизми?

Жавоб: — Авваламбор, мен ҳозирги замон кишисининг турмуш тарзида оммавий ахборот воситаларининг энг пешқадам ва ўта таъсирчан соҳаси — телевидениенинг беқиёс ўрни ва аҳамиятини таъкидламоқчи эдим. Телевидениенинг ушбу ўрни ва аҳамиятининг жамият, мамлакат, халқ сиёсий ҳаётининг муҳим мавсуми — сайловлар даврида ниҳоят даражада ортиб кетиши шубҳасиз.

Агар шулардан келиб чиқиладиган бўлса, унда, дарҳақиқат, бизнинг партиямиз вакилларининг Сиз назарда тутаётган кўрсатувда иштирок этмаганлигини тушуниш қийин. Устига устак, кўрсатувга таклиф этилган, аниқроғи, унга чақирилинган бўлса... Албатта гап бу ерда кўпчилик ўйлаши мумкин бўлган қандайдир бир оддий интизомсизлик ёки лоқайдлик, беписандлик ёхуд масъулиятсизликда эмас.

Бизнинг мазкур кўрсатувда иштирок этмаганлигимиз айни унинг бевосита ташкилотчиларига аввалдан "маълум сабабларга" биноан юз берди. Шу йилнинг 23 сентябрь куни республика телевидениесининг биринчи дастури орқали, "Мен нечун севаман Ўзбекистонни" рукни остида, берилган кўрсатувдан кейин биз махсус (нусхаси Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига юборилган) хат билан бу ҳақда (яъни ушбу сабаблар тўғрисида) Ўзбекистон давлат телерадиокомпанияси раҳбарларини хабардор қилганмиз. Унда, жумладан, биз қуйидагиларни алоҳида таъкидлаганмиз: 23 сентябрь кунидаги кўрсатувда ХДП вакилларининг иштироки, унга нохолис ёндашув туфайли, деярли йўққа чиқарилган; умуман, кейинги пайтларда республика телевидениесининг "Сиёсат" бош таҳририяти ходимлари томонидан уюштирилаётган кўрсатувлар мамлактимизда фаолият кўрсатаётган қатор сиёсий партиялар (бизнингча фақат 1та партия бундан мустасно), хусусан бизнинг партиямиз, тўғрисида ҳақиқатга мос келмайдиган тасаввурлар туғдиришга ҳаракат қилинмоқда; биз, тўғри, ҳаққоний, олийжаноб танқидларни қабул қилган ҳолда, ёлғон-яшиқ, фиску фасод, уйдирмалардан иборат, шунингдек, журналистнинг умумий, сиёсий ва касбий савиясининг паст даражадалиги билан боғлиқ, тўхматларни ўзимизга сингдира олмаймиз; бундай ҳолат 23 сентябрдан олдинги, экран юзини кўрган ва кўрмаган, қатор кўрсатувларни тайёрлашда ҳам кузатилган, бу муайян барқарор йўналиш қиёфасига кириб бораётир ҳамда бу ерда, жумладан мамлакатда бошланган сайловолди мавсуми муносабати билан, давлатимиз Конституцияси, бошқа қонунларнинг тегишли моддалари қўпол тарзда бузилаётирки, шулар боис, бундай тахлитдаги кейинги кўрсатувларда ХДП вакиллари иштирок этмайдилар ва ҳ.к..

Шуни алоҳида қайд этмоқчимизки, масаланинг моҳиятини тўғри тушунган республика Телерадиокомпанияси раҳбарияти бундай нохушликларга бундан буён йўл қўймасликнинг чоралари белгиланганлиги тўғрисида бизга жавоб мактуби йўллади. Бироқ, минг афсусларки, "Сиёсат" бош таҳририяти учун ўз раҳбарияти томонидан белгиланган тадбирларнинг ҳеч қандай аҳамияти йўқлигини, уларга таҳририят ходимлари беписандлик билан қараётганликларини воқеаларнинг кейинги ривожи, хусусан, Сиз тилга олган, 22 октябрь кунидаги, кўрсатув, ҳар томонлама якқол намойиш этди. Ҳамма нарса "эски ҳаммом, эски тос"лигича қолди. Мен нималарни назарда тутаётирман? Одатда, таҳририят бош муҳаррири ёки ходими бизга сим қоқади ва шундай дейди: "Юқоридан топшириқ олдик. Партиялар раҳбарлари билан бир кўрсатув тайёрлашимиз керак экан. Эртага соат..... да студияда ёзув".

Биз телевидениеда, миллионмиллион томошабинлар ҳузурида, чиқишни ўта масъулиятли, иш эканлигини тўла ҳис этамиз. Телевидениега айтилган вақтда етиб келиб, кўрамизки, биздан бошқа яна 30-40 киши тўпланган ... Уларнинг орасида аввалдан "ўргатилганлар" ҳам бор.... Бинога кирганимиздан сўнг, студияда ёзув бошланганига қадар, 1-1,5 соат вақт ўтади, ундан кейинги 3-3,5 соатлик ёзувнинг натижаси, 35-40 дақиқа давомида, эфирга чиқади. Унда ўзингнинг «башарангни», уни кулгили қилиб кўрсатувчи, қийшиқ кўзгулар салтанатидан олиб борилаётгандай ҳис қиласан... Бунга муносабат билдириш, тегишли жавоб бериш имкониятидан эса бутунлай махрумсан... Негаки, таҳририят ходимлари — "ўзига хон, қўланкалари — майдон" кишилар.

Булардан ташқари, кўрсатув "ижодкорлари" уни "ташкил этиш" арафасида бизга дағдаға ҳам қиладилар: "Агар кўрсатувга келмасаларинг, билиб қўйинг, ўринларингизнинг бўшлигини эфирда кўрсатамиз..."

Буни қаранг: борсанг ҳам бир бало, бормасанг ҳам... 22 октябрь кунидаги кўрсатувда бунинг иккинчиси юз берди. Бу кўрсатувда биз иштирок этишгандай, ўзбошимчалик билан бошқаришнинг расмий, ҳар қандай танқиддан холи, идорасими?!

Савол: — Абдулҳафиз ака, сайловолди ишларнинг муҳим босқичи — ташвиқотлар даври бошланади. Нима, Сиз раҳбарлик қилаётган партия сайловларга кучли таъсир кўрсатишнинг, телевидениедек, кудратли воситасидан фойдаланишдан воз кечадими?

Жавоб: — Биз асло бунга йўл қўя олмаймиз. Бироқ, ўйлаймизки, телевидениенинг "Сиёсат" бош таҳририятидаги айрим ходимлар ўзларининг яроқсиз фаолият усулларидан, албатта, воз кечадилар. Телевидение улар ўзи хоҳлаган ишни қиладиган жой эмас. У мустақил Ўзбекистон халқи, давлатининг мулки. Ушбу мулк, салоҳият, воситадан халқ, миллат, давлат манфаатлари йўлида самарали фойдаланмоқ даркор. Бизнинг партиямизнинг халқ, миллат, давлат манфаатларига сидқидилдан хизмат қилишдан ўзга мақсад-муддаоси йўқ. Бу ҳеч кимга сир эмас. Фақат бунга тўсқинлик қилаётганларнинг мақсади-муддаоси, ҳозирча, бизга номаълум....

Ўзбекистоннинг буюк келажаги — демократиядир. Халқимизда сиёсий партиялар тўғрисида майиб-мажруҳ фикрлар туғдириш орқали унга эришиб бўлмайди. "Буюк ёлғон даври" шўролар истибдодий тузумининг шўрини қуритди. Бундан хулоса чиқармоқ зарур, "Ёлғоннинг умри қисқа", дейди халқимиз. Бу бежиз айтилмаган.

Нурафшон келажагимиз истиқболи, миллий истиқлолимизнинг умри боқийлиги фақат дилимиз, сўзимиз, ишимиз, босган изимизнинг тўғрилигида эканлигини англаш биз учун тақдиршумул аҳамиятга эга. Ҳамма гап, эндиликда, ҳақ йўлдаги ҳам сўзимиз, ҳам изимиздан қайтмаслигимизда!

Афсуски, сиёсий партияларга бундай салбий муносабат оммавий ахборот воситаларининг бошқа соҳаларида ҳам мавжуд бўлиб, бизнинг фикримизча, бунинг асосий сабаблари: бир томондан, масаланинг моҳиятини тушунмасликда бўлса, иккинчи томондан, бу ҳолат сиёсий партияларнинг ҳимоясизлиги билан боғлиқ бўлиб, ҳозирда, у "ургани ким яхши? Партиялар яхши" тарзидаги бемаъни амалиётни вужудга келтирди. Аслида, бу сиёсий партияларни, "айбсиз айбдорлар" сифатида, уриш эмас, балки, ўзимизнинг эртанги кунимизнинг ҳаётбахш илдизларига болта уришдан ўзга нарса эмас.

Савол: — Сизнингча, умуман олганда, оммавий ахборот воситалари ва сиёсий партиялар ўртасидаги сайловолди муносабатлари қандай бўлиши керак?

Жавоб: — Нафақат сайловолди, умуман, сиёсий партиялар ва оммавий ахборот воситалари ўртасидаги муносабатларнинг, ҳамиша, уларнинг инсон, халқ манфаатларига хизмат қилиш йўлидаги, ахлоқ-одоб, ростгўйлик, виждонлилик, қонунларга изчил риоя қилишга асосланган, энг олийжаноб фазилатлар доирасида бўлмоғи айни муддаодир. Зеро, фақат шу йўл саодатга элитса, ҳар қандай бошқа, яъни ғаразли, йўл, сўзсиз, ҳалокатга олиб боради.

Суҳбатдош:
Кўчқор НОРҚОБИЛ

Тарихимиз саҳифалари

1991 — 1999 йиллар

1993 йил

15 декабрь. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитасининг навбатдаги мажлиси бўлди. Унда Ўзбекистон ХДП ташкилотларида «Олий Мажлисга сайловлар тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокамаси якунлари, Сурхондарё вилоят партия кенгашининг Ўзбекистон ХДПнинг кадрлар сиёсатига оид дастурий мақсадларини амалга ошириш юзасидан фаолияти. Ўзбекистон ХДП Бектемир туман ташкилотининг меҳнат жамоалари ва аҳоли истиқомат жойларида олиб бораётган оммавий-сиёсий ишлари муҳокама қилинди.

21 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон овози» газетасининг биринчи сони чиққанига 75 йил тўлиши муносабати билан газетанинг бир қатор ходимларини мукофотлаш тўғрисидаги Фармони эълон қилинди.

23 декабрь. «Ўзбекистон овози» газетасининг 75 йиллиги муносабати билан республика Президенти Ислом Каримовнинг газета ижодий жамоаси ва унинг муштарийларига табриги эълон қилинди.

23 декабрь. «Ўзбекистон овози» газетасининг 75 йиллик тўйига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

27 декабрь. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг IX пленуми бўлди. Унда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ва парламентдаги депутатлар партия гуруҳининг республика Олий Кенгаши XIV сессияси кун тартибига киритилаётган масалалар юзасидан нуқтаи назари ишлаб чиқилди. Шунингдек, «Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг миллий истиқлол мафкурасини яратишга доир нуқтаи назари» лойиҳасининг муҳокамаси якунлари кўриб чиқилди.

1994 йил

7 январь. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши IX пленуми материаллари матбуотда эълон қилинди. Жумладан, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Миллий истиқлол мафкураси муҳокамасига тушган таклифлар билан бойитилган ҳолда, дастуриламал сифатида тўлалигича чоп этилди.

7 январь. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида партия Марказий Кенгаши котибларининг Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Марказий Қўмитаси раҳбарлари билан учрашуви бўлиб ўтди.

11 февраль. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашида Франциянинг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси жаноб Жан-Пол Везиан қабул қилинди. Элчи жанобларига ХДП аъзоларининг республикамизда юз бераётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлардаги иштироки ҳақида гапириб берилди.

Февраль. ЎзХДП Марказий Кенгаши Ўқув марказида Тошкент шаҳар оқсоқоллари ва фаолларининг ўн кунлик машғулотлари бўлиб ўтди. Унда маҳалла оқсоқоллари ва фаоллар ўзаро тажриба алмашиб, билимларини бойитдилар.

3 март. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитасининг халқаро хотин-қизлар куни — 8 Март байрами муносабати билан Ўзбекистон хотин-қизларига табриги матбуотда эълон қилинди.

4 март. Ўзбекистон ХДП Самарқанд вилояти кенгаши ҳузурида Бухоро, Навоий, Самарқанд вилоятлари туман ва шаҳар кенгашлари биринчи котибларининг минтақавий семинар-кенгаши бўлиб ўтди.

6 март. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтгани ҳақида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши матбуот марказининг хабари чоп этилди. Шунингдек, мажлисда Ўзбекистон ХДП ташкилотларининг «Соғлом авлод учун» ва «Маҳалла» жамғармаларини сиёсий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш юзасидан вазифалари муҳокама қилинди. Мажлисда Фарғона вилоят партия ташкилотларининг Ўзбекистон Халқ демократик партияси Миллий истиқлол мафкурасини тарғиб қилиш ва рўёбга чиқариш бўйича фаолияти ҳам кўрилди.

Республика Олий Мажлисига сайловлар муносабати билан Ўзбекистон ХДПнинг сайловолди Сиёсий дастури лойиҳасини тайёрлаш бўйича Марказий Кенгашнинг комиссияси таркиби тасдиқланди.

Март. Ҳамза номидаги ўзбек давлат Академик драма театрида Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Миллий истиқлол мафкурасига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

Март. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Ўқув марказида шаҳар ва туманлар партия кенгашлари биринчи котибларининг навбатдаги ўқуви бўлиб ўтди.

13 апрель. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Чирчиқ шаҳар кенгашининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини партия аъзоларига тушунтириш ва уни ҳаётга татбиқ этиш борасидаги ишлари ҳақидаги масала муҳокама қилинди.

Мажлисда «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари таҳририятларининг молиявий аҳволини мустаҳкамлаш ва хўжалик фаолиятини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи ҳам кўриб чиқилди.

15 апрель. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Ўқув марказидаги Тошкент шаҳар оқсоқолларининг навбатдаги ўқуви бўлиб ўтди.

Апрель. Самарқандда Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика, вилоят кенгашлари биринчи ва иккинчи котибларининг семинар-кенгаши бўлиб ўтди.

5 май. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитасининг фашизмга қарши 1941-1945 йиллар уруши қатнашчилари, республикамиз барча фуқароларига қутлови матбуотда эълон қилинди.

5 май. Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган бир гуруҳ покистонлик зиёли хотин-қизлар Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашига ташриф буюрганликлари ҳақида Марказий Кенгаш матбуот марказининг хабари чоп этилди. Партия раҳбарияти меҳмонларни самимий табриклаб, жамиятимизда хотин-қизларнинг ўрни, аҳамияти, Президент И. А. Каримов бошчилигидаги республикамиз раҳбариятининг оналик ва болаликни муҳофаза этиш, «Соғлом авлод учун» махсус нишони таъсис этилишининг аҳамияти, партиямиз сафаридаги аёллар фаолияти тўғрисида гапириб берди.

Сайлов ва сайловчи

Юртни севганни эл қўллайди

Мустақиллик туфайли эркимиз, истиқболимиз ўз қўлимизда. Шу боис, жаҳон ҳамжамиятида ҳам ўз ўрнимиз бор.

Ҳар тонг шаҳримиз кўчалари бўйлаб ўқиш жойимга шошар эканман, катта ойнаванд эшикларда-ги рангли қоғозларда: «2000 йил, 9 январь якшанба куни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни, Сайловга марҳамат! 1999 йил, 5 декабрь якшанба куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси вилоят, туман, шаҳар Кенгашлари депутатлигига сайловлар куни. Сайловга марҳамат!» деган ёзувларни ўқиб, ҳаяжонга тушаман, юрагим жўшади, энтикаман.

Олий Мажлис депутатлиги ва вилоят, туман, шаҳар кенгашлари депутатларига ўзимиз таниган, билган, эл-юрт учун фидойи бўлган инсонларга овоз берамиз.

Демократия тамойилларига тўла асосланган бу галги сайлов олдингиларидан тубдан фарқ қилиши шубҳасиз.

Биз мамлакатимиз келажагини ўйлайдиган ва тинчлигимиз, тараққиётимиз учун курашадиган сиёсий онги юксак кишиларни қўллаб-қувватлаймиз. Халқимизнинг илғор фикрли фарзандларига ишонамиз. Улар бизнинг келажагимиз учун масъулдирлар.

Зумрад МАЖИДОВА,
Тошкент шаҳри.

Фармон ва ижро

Нур ва қўр ташвишида

Б. Рўзиев 1950 йилда Қашқадарёнинг Чироқчи туманида туғилган. Тошкент политехника институтининг муҳандис-механика факультетини тамомлаган. Илк меҳнат фаолиятини Кармана йўл қурилиши бошқармасида оддий слесарликдан бошлаган. 1992-95 йилларда ЎзХДП Навоий вилоят кенгашининг биринчи котиби бўлиб ишлаган. 1995 йил сентябрдан бошлаб вилоят газлаштириш бошқармаси бошлиғи. Оилалик, 3 фарзанди бор.

— Баҳриддин ака, юртбошимиз аҳолини тоза ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлашга катта эътибор қаратаяпти, бу борада қилинаётган ишларга тўхталсангиз?

— Шўролар даврида вилоятимизнинг гоҳ Самарқанд, гоҳ Бухоро тасарруфида бўлиши ачинарли воқеалар бўлди. Шу боисдан 80-йиллар давомида қатор газлаштириш лойиҳалари, қурилиши бошланган газ трассалари иши айтарли тўхтаб қолди. Ана шу даврда чўл ҳудудлари саналган Томди, Учқудуқ, Конимех, Нуротада «зангори олов», тоза ичимлик суви масаласида бирон бир иш қилинмади. Мустақиллик сабаб кенжа вилоят яна қайта туғилди.

Саккиз юз мингга яқин аҳоли — 84 миллат ва элат вакиллари бир оға-инидек яшаётган мазкур вилоятда ҳозир нафақат газ ва сув таъминоти, балки фаровон турмуш тарзининг бошқа муаммолари ҳам ўз ечимини топмоқда. Навоийликлар 84 километрлик об-ҳаёт линияси бунёд этишиб, Кўрпа-Дамхўжа сувидан баҳраманд бўлишмоқда.

Ҳозирги кунда Навоий, Кармана шаҳарлари, Конимех тумани маркази, Маликрабод қўрғони бу зилол сувни истеъмол қилишаяпти. Табиий газ таъминоти масаласида ҳам қатор хайрли ишлар қилинди. Ўтмишдаги тоталитар тузумда бир умр орзу саналиб келинган «зангори олов» эндиликда олис Қизилқум саҳросигача етиб борди. Қизилқумлик чўпон-чўлиқлар, олтинтопарлар, кимёгарлар, кўп сонли саноатчилар беминнат газни ҳузур қилиб ёқишаяпти. Айниқса, кейинги 2 йилда вилоят газ таъминотида туб бурилишлар қилинди, десам муболаға бўлмайди.

— Туб бурилишлар, бунёдкорликлар қўлами, деганда нималарни назарда тутаяпсиз?

— Бурилиш босқичи, кенг ислоҳотлар, деганда мен туман тарзида йигирманчи йиллар ўрталарида ташкил топган, аммо йил давомида Уралгача ўз газини етказиб бериб, саксовул, юлғин ёққан конимехлик, нуроталикларни назарда тутаяпман. Мана 2 йилдирки, Конимех туманининг «Шўркўр», «Саржал», «Конимех» жамоа хўжаликлари, Нурота туманининг «Фозғон» қўрғони, Навбаҳор туманининг эса «Арабсарой», «Хашман», «Дўл-дўл», «Армижон», «Карвон», «Қалқон», «Бешрабод» қишлоқлари ўзимизнинг арзон ёнилғидан баҳраманд бўлишмоқда. Бир сўз билан айтганда ҳозир вилоят бўйича жами газлашган хонадонлар сони 92 мингдан ошиб кетди. Биргина 1998 йилнинг ўзида бошқармамиз бўйича 48,2 миллион сўмлик қувурлар ётқизиш ва монтаж ишлари амалга оширилиб, 35,8 километр янги йўналишларга юқори ва ўрта босимли газ келтирилди. Натижада аҳолини умуман газ билан таъминлаш даражаси 68,2 фоизга етди.

2005 йилга қадар кенжа вилоят аҳолиси газ билан тўла таъминланиши лозим. Биргина шу 1999 йилнинг ўзида яна 40 километр масофага қувурлар тортиш ёҳуд 245 миллион сўмлик иш бажариш кўзда тутилган. Республика марказлашган маблағи ҳисобига 127 миллион сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилиб, мармарчилар қўрғони «Фозғон»даги 70 хонадонда газ ёнди. Эндиликда бу хайрли ишни яна давом эттириш, мазкур ҳудуддаги «Деҳибаланд», «Эски», «Оқтепа», «Ажрим» қишлоқларига ҳам бу арзон ёнилғини олиб бориш вазифаси турибди. Шунингдек, Хатирчи, Навбаҳор туманлари қишлоқларида ҳам хайрлик иш кенг давом эттирилади. Энди келаси ишларимиз кўламига келсак бу — асосан Қизилқум кенгликларидаги Учқудуқ, Томди, Конимех туманларининг энг олис овул ва ўтовларини қамраб олади. Янги Томди-Томдибулоқни тўлиқ газлаштириш 2000 йил режасига киритилган. Оқтепа, Бухантов, Мурунтов, Мингбулоқ қўрғонлари томон ҳам ўрта босимли газ қувурлари тортиш лойиҳалари айтарли тайёр.

Навоий Тоғ металлургия комбинати, Жанубий ва Шимолий кон бошқармалари ўз ҳомийлигига олган бу улкан ишлар келаси йил бошидан жадал бошлаб юборилади.

— Баҳриддин ака, сув, электрда бўлгани каби газ саноатида ҳам ҳисоблагич асбоблари ўрнатишни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Шу хусусда ҳам...

— Дарвоқе, газ ҳисоблагичисиз тўғри ҳисоб-китоб юргизиш, саноат корхоналари ва аҳолидан адолатли тарзда ҳақ ундириш амри маҳол. Ана шу мақсадда биз вилоятдаги мавжуд 35 та саноат корхонасида, 1017 маиший хизмат кўрсатиш идораларида газ ҳисоблагичлар бўлишига эришганмиз. Шунингдек 1600 та хонадонларга ҳам замонавий ҳисоблагичлар ўрнатдик. Аҳоли учун бу ниҳоятда кам. Биз яқин бир йил ичида газлашган ҳамма хонадонларда махсус ҳисоблагичлар бўлишига эришамиз. Газ ҳисоблагичлар ўрнатиш Навоий, Зарафшон шаҳарларида қониқарли ташкил этилган. Ўйлаймизки, барча туманлар, корхона ва хонадонларда ҳисоблагичлар тўлиқ бўлишига эришиш табиий газ тежамкорлиги учун кони фойдадир.

— Энди кадрлар масаласида ҳам фикр билдирсангиз?

— Туман ва шаҳарларни ҳам қўшиб ҳисоблаганда бизда 821 ходим меҳнат қилади. Шунинг 167 таси бевосита бошқармамиз муҳандис-механикларидир. Етук кадрлар, ўз касбининг усталари, деганда мен Баҳодир Мансуров, Келдиёр Ашуров, Жамол Қаюмов, Нормурод Маҳаммадиев, Шавкат Равшанов каби ташкилотчи раҳбар кадрларни тушунаман. Ана шундай серғайрат ишчан кадрларга эга эканмиз юкимиз асло ерда қолмайди. Хонадонларга илиқлик ва нур, ҳузурбахш бир қўр ато этаётганлигимиздан ғоят мамнунмиз.

«Ўзбекистон овози» мухбири
Музаффар ШАРОПОВ
суҳбатлашди.

Таҳририятдан: газета саҳифаланаётганда: Баҳриддин Рўзиев вилоят ҳокими муовини этиб тайинланди. Келгуси ишларига зафарлар тилаймиз.

Пахтакорлар хизматидамиз

Каттақўрғон тумани пахтакорлари жорий йилда 38495 тонналик пахта хирмонини яратиш мақсадида «Пахта банк»нинг Пайшанба бўлимида «Пахта штаби» ташкил этилганди. У барча жамоа ва фермер хўжаликларини мавсум давомида нақд пул билан тўлиқ таъминламоқда.

Хўжаликлар билан нақд пул ҳисоб-китобида узилишларга йўл қўймаслик мақсадида туман ҳокимлиги билан биргаликда кунлик топширилган пахта бўйича туман статистика бўлими ва Каттақўрғон пахта заводидан маълумотлар олиниб, бериладиган нақд пуллар олдиндан режалаштириляпти. Маблағлар жойида мақсадли ишлатилишини кейинчалик текшириш учун хўжаликлардан тўлиқ тўлов рўйхатлари олиниб, махсус дафтарга қайд қилиняпти ва банк муҳри қўйилгандан кейингина нақд пуллар берилмоқда. Ҳар беш кунлик якуни бўйича жамоа ва фермер хўжаликлари банкдан ўз вақтида тўлиқ нақд пулларни олмоқдалар. Натижаси қувончли бўляпти.

Ҳозирги кунда «Пахта банк»нинг Пайшанба бўлими томонидан 19 та жамоа ва 72 та пахтачиликка ихтисослаштирилган фермер хўжаликларига ана шундай хизмат кўрсатилмоқда.

Туманимизнинг йиллик пахта режасини бажаришда биз «Пахта банк»чилар ҳам ҳисса қўшаётганимиздан фахрланамиз.

Абдураҳмон СОДИҚОВ,
«Пахта банк»нинг
Пайшанба бўлими бошқарувчиси

Самарқанд вилоятидаги Қаршибой Нурмуродов бошчилик қилаётган «Илм–2» фермер хўжалиги туманда биринчилардан бўлиб давлатга пахта сотиш режасини уддалади. 50 гектар ерга барака уруғини қадашган хўжалик аъзолари режани ортиғи билан бажариб, ҳосилни биринчи навга топширишди.

Ғўзалкент туман пахтакорларининг шу бугунгача давлатга териб топширишган ҳосилини Жума пахта тозалаш корхонасига пешма-пеш етказиб беришмоқда. Қабул қилинган биринчи ҳосилдан олий сифатли тола ишлаб чиқарила бошланди. Ҳозирданоқ Европа давлатларининг етакчи фирмаларидан корхона тайёрлаётган толага буюртмалар келиб тушмоқда.

СУРАТЛАРДА: 1. «Илм-2» фермер хўжалиги далаларидан (чапдан ўнгга) 1-фермер хўжалик раҳбари Қаршибой Нормуродов, звено бошлиғи Ҳакимов Холмирза, Ҳоким ўринбосари Усмон Болиев. 2. Тумандаги Жума пахта тозалаш заводидан лавҳа.

Шавкат АКРАМОВ олган суратлар.

Пахта-99

Самарқандлик заршунослар зафари

Деҳқон қалбини, меҳрини далага сочган. Шу боис, пахтазорлар оппоқ, беғубор. Пахтакорлар ғалаба нашидасини сурганда, зафар қучганда йил бўйи қилинган меҳнат ва чарчоқларини бир зум унутиб, тин ва ором олади. Шерюрак, алпомишкелбат бободеҳқонлар қишлоқ хўжалиги, айниқса пахтачиликдаги ислоҳотларни аниқ ишлаб чиқилган дастур асосида олиб бормоқдалар. Уруғ танлаш, чигитни ўз вақтида пухта ва аниқ ишлов берилган майдонларга экиш, ғўза парвариши ҳамда агротехникасига қатъий риоя этиб пахтачиликда Самарқанд мактабини яратиб, қисқа муддат ичида ғалаба манзилига бу йил ҳам пешқадамлар сафида етиб келди.

Она-Ватан самарқандликларнинг режадаги 250 минг тонна пахтасини қабул қилиб олди. Қарийб 90 фоиз «оқ олтин» аъло навларга сотилди. Муҳтарам Президентимиз И. А. Каримовнинг самарқандлик пахтакорларга йўллаган табриги Зарафшон воҳаси аҳлининг қалбини тоғ қадар кўтариб, янги меҳнат зафарларига руҳлантириб юборди.

— 97 минг гектар майдонга ғўзанинг ҳудудлаштирилган, серҳосил ва эртапишар «Оқдарё — 5», «Оқдарё —6» ва «Фарғона — 3» навларини экиб, қалб кўри билан парвариш қилганмиз, ҳар гектар майдондан 26 центнер ҳосил олиб, хирмонни 275 минг тоннага етказамиз, — дейди вилоят ҳокимининг ўринбосари, қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасининг бошлиғи Бердали Бердимуродов.

Деҳқон пахтадан мустақиллик туфайли манфаатдор бўлганлиги ҳамда турмуши ва ҳаёт кечириши йил сайин фаровонлашиб бораётганлиги учун ҳам пахтага меҳри минг чандон ошди. Ер ўз эгаларини топди. Унга эгалик ҳисси, меҳнатга янгича муносабат қарор топди. «Пахта банк» вилоят бўлими ҳозиргача 1 миллиард 268 миллион 147 минг сўмни пахтазорларда фақат чевар теримчиларга тарқатди.

Далаларда ҳали ҳосил мўл. Шу боис режага қўшимча 25 минг тонна пахта топшириб, республика хирмонига муносиб ҳисса қўшиш учун далаларда иш қизғин. Нарпай, Пастдарғом, Пахтачи, Оқдарё ва Жомбой туманлари режага қўшимча «оқ олтин» топширяётган бўлса, Каттақўрғон, Пайариқ, Иштихон туманлари пахтакорлари ғалаба манзили остонасида туришибди. Довон сари дадил от сурмоқда. Пахтакорлар кўзланган юксак чўққиларни, албатта забт этадилар. Бунга имонимиз комил.

Лутфулла МАМАСОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири

Аччиқ, аммо очиқ гаплар

Саноққа етмаган жўжалар

Қорақалпоғистон Республикаси шоликорлари бу йилги баҳор ва ёз ойларидаги серташвиш қийинчиликларга, табиатнинг ҳар хил инжиқликларига қарамасдан шолида бўлиқ ҳосил етиштиришди. Ёзи бўйи пешонадан тер тўкиб қилинган меҳнат зое кетмади.

Эндиги навбат етиштирилган ҳосилни нест-нобуд қилмасдан ўриб-янчиб олишдан иборат. Пишиб етилган шолини барвақт йиғиштиришда «Хоразм», «Шўртанбой», «Кўқдарё» каби хўжаликлар пешқадамлик қилишмоқда. Кўпчилик бўлимлар, агроучасткалар, бригадалар, оилавий пудратчилар шоли тайёрлаш режаларини аллақачон бажариб қўйишган.

Октябрь ойи ҳам ниҳояламоқда. Мовий осмонда паға-паға булутлар кезиб юрибди. Гоҳ-гоҳ ёмғир ёғиб беряпти. 17 октябргача республика далаларида етиштирилган шолининг ярми ҳам ўриб-янчиб олинмади.

Тахтакўпир тумани хўжаликларида 14 минг 36 гектардаги ҳосилнинг 7 минг 200 гектари ўриб олинди. Янчилган шоли 11461 тоннани ташкил этмоқда. Шу тумандаги «Ўзбекистон» хўжалигининг иккинчи бўлими 4-бригадаси бошлиғи Ж. Оллониёзов билан суҳбатлашганимизда: — 200 гектар шолидан 55 гектари ўрилди, — деди у.

— Комбайнларнинг иш унуми жуда паст-ку?

— ...

Суҳбатимизга шу хўжалик комбайн ҳайдовчиси Ж. Қоллибеков қўшилди:

— Ҳақиқатан ҳам ишимиз юришмаяпти. Эҳтиёт қисмлар етишмаяпти. Бунинг устига комбайнларимиз жуда ҳам эскирган.

Хабибназар Шаханов раислик қилаётган «Давқара», А.Тўрабоев раислик қилаётган «Бориштов», К.Содиқов раислик қилаётган «Маржонкўл» шоличилик хўжаликларида шоли ўриш-янчиш ишларида сусткашликларга йўл қўйилмоқда. Бир кунда тайёрланаётган шоли 0,5—1,2 фоиздан ўтмаяпти. Ҳозиргача тайёрланган шоли 11-18 фоизга тўғри келади.

Чимбой туманида эса шоли ўриш-янчиш каби ишларнинг аҳволи шу куннинг талабига мутлақо жавоб бермайди. Туманда етиштирилган шолини тезроқ йиғиштириб олишдаги саъй-ҳаракатлари суст. Бу орада шоли тайёрлаш режаси 25 фоизга адо этилди, холос. Кунига топширилаётган шоли 0,7-0,9 фоизга тўғри келяпти.

Шоличиликка ихтисослаштирилган 25 та хўжаликдан 8 тасида шоли тайёрлаш режаси 20 фоизга, 9 та хўжаликда эса 30 фоизга ҳам етгани йўқ. Бироқ, республикада режадагидан ҳам кўпроқ шоли тайёрлаш ва топшириш имконияти бор. Бунга ҳеч қандай шубҳа бўлиши мумкин эмас.

— Шоли ўриш-янчиш, топшириш ишлари нимага чўзилиб кетяпти? Бунинг устига комбайнларнинг иш унуми паст бўляпти. Куз ойининг энг иссиқ дақиқалари қўлдан бой берилмоқда. Сиз бу ҳақда нима дея оласиз? — сўрадик Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазири ўринбосари Омонгелди Ўринбоевдан.

— Жатка комбайнлар ўз вақтида сифатли таъмирланмади,— дейди у. —Пул йўқлигидан тегишли ташкилотлар эҳтиёт қисмлар билан таъминлай олмади. Вақтни қўлдан бой бердик. Ҳозир тегишли ташкилотларнинг барчаси техникаларнинг унумли ишлашига барча куч-ғайратларини сарфлашаяпти. 20 та янги комбайн келди.

Бу йил республика шоликорлари мамлакатимизга 175 минг тонна шоли топширадилар. 18 октябргача топширилган шоли 61733 тоннани ташкил этмоқда. Бу йиллик режанинг 35,27 фоизига тенг. Бир кунда топширилаётган шоли 2 фоизга тўғри келмоқда.

Айни шолининг ўриш-янчиш ишлари авж палласида сабаб, баҳона қидирмасдан, техникаларнинг мунтазам иш фаолиятини йўлга қўйиш муҳимдир. Бунинг учун Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, тегишли идоралар, бошқармалар қўшимча жатка комбайнлар билан таъминлаш ҳақида қайғуришлари зарур. Агар иш шундай ташкил қилинмаса қанча-қанча шоли — халқнинг ризқ-насибаси қор-ёмғир тагида қолиб кетиши мумкин.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири

Конфликтология нима?

Ҳозирги замонда инсон руҳияти оламини ўрганиш, унинг хулқ-атвори, хатти-ҳаракатларини тадқиқ этиш, қарама-қарши манфаатлар ўртасидаги тўқнашувларни конфликтология фани тадқиқ этади.

Конфликтология фанида «Асоциал» (яъни, жамиятдан бегона), «Антисоциал» (жамиятга қарши), «просоциал» (жамиятчи) атамалари мавжуд. Давлат томонидан белгиланган қонун-қоидаларга риоя қилмасдан, жамиятга зарар етказадиган шахслар учраб туради. Баъзилар эса билиб-билмасдан қонунларга хилоф хатти-ҳаракатлар қилади.

Аслида ҳам қонунбузарликка интилишлар замирида, ўз ички руҳий дунёсидаги зиддиятларни еча олмаган шахсларнинг ташқи ижтимоий оламни ўзига мослаштиришга қилган интилишлари ётади.

Ҳар бир инсоннинг бу дунёда ўз ҳаётий эҳтиёжлари, яшашга бўлган ҳақ-ҳуқуқи ва эркинликлари бор. Одамзод ижтимоий мавжудод, у азалдан муайян бир жамоада, бошқалар билан ҳамкорликда яшашга мослашган. Кишилар ўзаро алоқада, мулоқотда бўлиши ва айни пайтда бу ҳамкорликда ҳам ўз эркинлигини ҳис эта билиши лозим.

Бундан ташқари инсоният ирқий, миллий, диний ва тил белгиларига, турмуш тарзига, касбига, жамиятдаги мавқеига қараб бир-бирларидан фарқ қиладилар. Бу хилма-хилликлар ҳар доим ҳам уйғун бўлавермайди, улар бир-бирларига қарамақарши бўлиши, бир-бирини истисно қилиши мумкин.

Шунингдек, айни пайтда атрофимизда рўй бераётган ижтимоий ва сиёсий жараёнларга зийраклик билан боқишимиз, юз бераётган низоли, можароли вазиятларнинг мавжудлигини, кескин конфликтларнинг биз билан ёнма-ён яшаётганлигини унутмаслигимиз, уларни яхши англашимиз, доимо ҳушёр ва хавфлардан огоҳ бўлиб туришимиз лозим.

Ҳаёт деб аталган бир мўъжизани елкасига ортиб бепоён коинот бағрида кезаётган мўъжазгина она сайёрамизни кўз олдингизга бир келтиринг-а, унинг қарийб ҳамма бурчакларида миллатлараро, ирқлараро, динлараро, мазҳабларо, гуруҳлараро можаролар, мол ва жой, мавқе ва ҳокимият талашишлар авж олиб турибди. Бу кетишда мазкур конфликтлар нафақат бир миллат ёки давлатнинг тақдирига, балки бутун инсоният ва ер шарининг тақдирига, келажакка хавф солиши мумкин.

Бугунги кунда ер юзида бутун куч-қудрати ва беҳисоб муаммолари билан биргаликда ахборотлашган жамият шаклланмоқда. Бу глобал, яъни, умумжаҳон миқёсида ўзаро алоқаларнинг интенсивлашувига, тезлашувига, жадаллашувига шароит яратади. Ҳар қандай киши сайёрамиздаги барча ҳодисалар ҳақида бир зумда ахборот олиш имкониятига эга. Бундай вазиятда рўй бераётган конфликтларни ўрганиш, тадқиқ қилиш, бошқариш, бартараф этиш ёки уларни конструктив тарзда трансформациялаш, яъни ижобий йўналишга кўчириш жуда муҳим аҳамиятга эга.

Бу масаланинг аҳамиятини яхши англаган хукуматимиз энг оптимал тинчликсевар сиёсатни илгари сурмоқда. Биздаги энг кучли қурол бу — янгича ва соғлом фикрлашдир.Соғлом фикрлаш психологиясини яратиш эса давлатларнинг соғлом ниятда, ўзаро ҳамкорликда ривожланишига, давлатлараро умумий хавфсизликка эришишларига, хотиржам яшашларига таянч бўлади.

Психологик ва патопсихологик жиҳатлар бўйича тадқиқот олиб борган олимлардан бири Э. Креплин: «... Хулқ-атвори «ўзгаришга мойил бўлмаган» жиноятчилар, дайдилар, фоҳишалар, одамхўрларнинг кўпчилиги руҳий оламининг носоғломлиги, носоғлом фикрлаши ва тўғри хулоса чиқара олмаслиги билан ажралиб туради. Яъни, айрим ҳолларни ҳисобга олмаганда кўп ҳолларда руҳиятнинг салбий томонга ўзгариши жиноятчиликка олиб келади», — дея таъкидлайди.

Шу йил 16 февралда Тошкентда бўлиб ўтган террористик актни ана шундай руҳияти носоғлом кишиларнинг хатти-ҳаракати сифатида мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Мазкур террористик актнинг ижрочилари асосан ёшлар ва бир қарашда ташқи томондан соғлом шахслар бўлиб кўринган, лекин уларнинг бажарган ишлари соғлом фикрловчи инсоннинг хатти-ҳаракатларига ўхшамайди. Чунки, орқада кимлар турганлигини билмасдан, ўз Ватанининг манфаатларига қарши қўпорувчилик ҳаракатига қўшилиш, ўз юртининг равнақи йўлида фидокорона иш олиб бораётган ўз Президентига суиқасд қилиш соғлом одамнинг иши эмас.

Бу ҳодисани мутахассис сифатида таҳлил қилганда шу нарса аён бўладики, барча криминоген, жиноий хатти-ҳаракатларнинг асосий сабабларидан бири бу «таъсирга берилиш», «таъсирга тушиш» ҳодисасидир. «Таъсирга берилиш»ни турли хил жиноятларда кузатиш мумкин, масалан: ўғирликда, қотилликда, дайдиликда, жанжал кўтаришда ва ҳоказо. Бу хусусият кўпинча жамоа бўлиб бирлашган жиноятчилар тўдасида яққол кўринади ва тез ривожланади, юқади.

Бундан халос бўлишнинг йўли республикамиз фуқаролари ва унда яшовчилар шу давлатнинг миллий мустақиллик мафкурасига асосланган сиёсатини қўллаб-қувватлашга ва ҳар бир фуқаронинг ўзида миллий ва мутлақ масъулиятни ҳис қилишлари йўлида барча имкониятларни ишга солишимиз зарур.

Иккинчидан, психологик ва ижтимоий психологик конфликтларнинг келиб чиқиш сабабларини ўрганиш ва уларни ечиш усулларининг, методологиясини ишлаб чиқиш лозим.

Учинчидан, руҳий касалликка учраган шахсларни, руҳий онги ўзгаришга учраган кишиларни бутун жамият миқёсида экстремал равишда тадқиқ этиш ва уларнинг аҳволини кўрсатувчи ахборотлар банкини тузиш кўзда тутилади.

Ҳар бир раҳбар ёки масъул ходим энг аввало, ўзининг руҳан соғлом бўлишини, соғлом фикрлашини ривожлантириб бориши ва ўзи масъул бўлган жамоаларда соғлом фикр психологиясининг тантана қилиши учун шароит яратиши зарур.

Бобоёрхон ТЎРАЕВ,
психолог-конфликтолог

ТАСИС – фермерларга

Тўрткўл туманидаги агробизнес коллежининг кираверишидаги алоҳида бино ТАСИС байроқчалари билан безатилди. Бу ерда Европа Иттифоқи ТАСИС дастури доирасида амалга оширилаётган фермер ва қишлоқ хўжалик ходимларини тайёрлаш ва ўқитиш /ТЕФАП/ лойиҳаси асосида марказ ташкил этилди.Фермерларни ўқитиш ва ахборот билан таъминлаш мақсадида очилган бу маскан мамлакатимиздаги тўртинчи марказдир. Шундай марказлар Тошкент агротижорат коллежида, Тўрақўрғон ва Самарқанд механика-иқтисодиёт коллежларида фаолият кўрсата бошлади.

ТЕФАПнинг дастлабки босқичида фермерларни ўқитишга жалб қилинадиган ўқитувчилар ўз малакаларини ошириб эдилар. Энди улар ана шу марказларда қишлоқ хўжалигида кичик ва ўрта бизнесни ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда энг зарурий билимларни ўргатадилар. Шунингдек, фермерлар ўсимликларни зараркунанда ва касалликлардан ҳимоя қилиш, чорвачиликда наслчилик ишлари ва ветеринария хизматини ташкил этиш, қишлоқ хўжалиги техникаси ва машиналаридан фойдаланиш, сервис хизматини ташкил этиш технологияларини ҳам ўрганадилар.

Марказлар қошида ҳудудий ўқув гуруҳлари, намунавий фермер хўжаликлари, маркетинг гуруҳлари ҳам ташкил этилади.

Фермерларнинг қисқа муддат ичида керакли билимларни ўзлаштириб олишлари учун барча шароитлар муҳайё, марказлар энг замонавий компьютерлар билан жиҳозланган, тингловчиларнинг аудиторияларда эшитганлари фильмлар намойиши билан мустаҳкамланади, ўқув дастурида чет эл ва ўзбекистонлик мутахассисларнинг рисолаларидан фойдаланилади. Нусха кўпайтирувчи аппаратлар, видео ва аудиотехника, дам олиш хоналари ҳам ўқиш давомида фермерлар хизматида бўлади.

Бу марказлар фаолиятини икки йил давомида ТАСИС маблағ билан таъминлайди. Дастлабки ўқувлар самараси ва фермерларнинг ўқишга эҳтиёжи, тўпланган тажрибалар туфайли келажакда бу масканлар ўзини-ўзи молиялаштириши табиийдир.

— Ушбу ўқув марказлари фермерларнинг билими, дунёқарашини бозор иқтисоди талаблари даражасига кўтаришда аҳамият касб этишига шубҳа йўқ, — деди ТЕФАП лойиҳаси раҳбари жаноб Вальтер Де Оливейра. — Муҳими, фермер бугун аудкторияда олган билимини эртагаёқ ўз хўжалигида, даласида ёки фермасида қўллаши мумкин, чунки жаҳоннинг илғор тажриба ва технологиялари Ўзбекистон шароитига мослаштирилган ҳолда ўқув дастури яратилган.

Шарофат ЙЎЛДОШЕВА,
«Ўзбекистон овози»
мухбири

Қабоҳат ёки ...

Анголадаги УНИТА гуруҳи Жонас Савимби раҳбарлигида гиёҳванд моддалар савдоси билан шуғулланмоқда ва бунинг эвазига хориждан қурол-яроғ сотиб олмоқда, деди БМТнинг гиёҳванд моддалар контрабандасига қарши кураш хизмати вакили. Унинг айтишича, бу савдо Лотин Америкаси ҳамда Жанубий Африка йўналиши бўйича амалга оширилмоқда.

Ўз фаолиятини бошлади

Канаданинг Югославиядаги элчихонаси яна ўз фаолиятини бошлайди, деб баёнот берди мазкур мамлакат ташқи ишлар вазири Ллойид Эксуорси. Бироқ у мамлакатда ҳамон сиёсий беқарорлик ҳукм сураётганини айтиб, элчихона ходимлари сони қисқаришини айтди.

Канаданинг Белграддаги элчихонаси НАТОнинг Югославияга опреацияси бошланганида ўз фаолиятини тўхтатган эди.

Яна бир портлаш

Яманнинг Ибб вилояти марказида автомобиль портлаши оқибатида етти киши ҳалок бўлди, 17 киши тан жароҳати олди. Ҳайдовчи ва йўловчилардан ташқари уч нафар полициячи ҳамда шу ердан ўтиб кетаётган иккита одам ҳам ушбу фожиа қурбони бўлган. Дастлабки маълумотларга қараганда, мазкур машинадан айирмачилар портловчи модда ташиш учун фойдаланиб келган.

Сайловга тайёргарлик

Мозамбикда декабрь ойи бошида президент сайлови ўтказилади. Шу муносабат билан ушбу тадбирга қизғин тайёргарлик бошланган. Президентликка икки кишининг номзоди қўйилган. Улар мамлакатнинг айни пайтдаги раҳбари Жоаким Чиссано ва Мозамбик миллий озодлик партияси раҳбари Афонсу Длакамадир.

Кузатувчилар бўлажак сайловда Ж.Чиссано ғолиб келишини тахмин қилмоқда. Чунки у 1994 йилги сайловда ҳам яққол устунлик билан ғалаба қозонган эди. Ўтган беш йил давомида эса унинг обрўси янада кўтарилди.

Германия. Газета ва журналлар савдо шаҳобчаси

ОИТС қурбонлари кўпаймоқда

Халқаро меҳнат ташкилотининг ҳисоботида айтилишича, ОИТС кенг тарқалаётгани сабабли Африка қитъасида иш кучи тобора камайиб бормоқда. Чунки, ОИТС хасталигидан қурбон бўлаётганларнинг 80 фоизи 20-49 ёшдаги одамлардир. Мазкур муаммо айниқса Жанубий Африка Республикасида яққол кўзга ташланмоқда. Айни пайтда ушбу мамлакатда 3,8 миллион киши ОИТС касаллигига чалинган. Келаси йили эса мамлакатдаги жами иш кучининг 20 фоизини ОИТС билан хасталанганлар ташкил этади.

INTERNET хавф солмоқда

INTERNET — ахборотлар сандиғи, хазинаси. Дунё билан қулай аълоқа воситаси. «Internet» шундай воситаки, дунёнинг исталган нуқтасидан исталган ахборотни олиш, дунёнинг кўплаб ахборот агентликлари билан боғланиш, минглаб газета, журналларни ўқиш, фирмалар фаолияти, товарлар, маҳсулотлар нарҳи, ҳатто шу маҳсулотнинг суратини кўриш, борингки ҳаммаҳамма маълумотларни олиш имконияти бор унда.

Аммо яқинда дунёга машҳур, гигант корпорация бўлмиш IBM «Internet» ҳақидаги фикрларимизни янада тўлдирди. Эндиликда биз «Internet» тармоғидан нафақат ахборотлар олиш, балки дунёда яратилган барча мусиқа ва қўшиқларни тинглаб дам олишимиз ёки компьютеримизга ёзиб олишимиз мумкин. IBM корпорацияси ўтган йилнинг август ойидан бери «Internet»га мусиқа солиш ва уни тарқатиш устида изланишлар олиб бориб, уни ниҳоясига етказди.

Корпорация 33 миллион доллар сарф қилган мусиқани оддий рақам кўринишига, рақамларни мусиқага айлантирувчи ва хотирадан кўп жой эгалламаслиги учун ишлаб чиқарилган программани SONY корпорациясининг Sony Music Entertainment бўлими ва Time Warner компанияси билан ҳамкорликда яратди.

Мусиқани магнитафонда қандай тингласангиз «Internet»да ҳам шундай тинглашингиз ва шу билан бирга мусиқаларни танлаш, керакли жойига ўтказиш, қайтадан эшитиш каби функциялардан ташқари кенг тармоқли жуда кўп функцияларни бажаришингиз мумкин. Масалан икки мусиқани синтез қилиш ёки мусиқа асбоблари чиқараётган ноталарни алоҳида-алоҳида эшитиш, мусиқадан инсон овозини ажратиб олиш, умуман мусиқа аппаратураларида амалга ошириб бўлмайдиган функцияларни бажариш имконияти яратилган.

Агарда IBM мусиқаларни «Internet»га солиш ва уни тарқатиш дастурини амалиётга жорий қилса, мусиқа савдоси билан шуғулланувчи ва аудио аппаратуралар ишлаб чиқарувчи барча фирмаларнинг «синиш» эҳтимоли кутилмоқда. Чунки, эндиликда мусиқа шинавандалари алоҳида магнит дисклар ёки кассеталар сотиб олишига ҳожат қолмайди, улар исталган вақтда мусиқани компьютер орқали эшитиб олиши ёки магнит дискларга ёзиб олиши мумкин.

Шунинг учун ҳам мусиқа савдоси билан шуғулланувчи ва аудио аппаратуралар ишлаб чиқарувчи фирмалар мусиқанинг «Internet»га солинишига тиш-тирноғи билан қарши чиқишмоқда.

Ҳозир бу можарони тўғри ҳал қилиш учун «Техника янгиликларини мувофиқлаштирувчи ва амалиётга қўлловчи» халқаро ташкилот иш олиб бораяпти.

PS.: Юқоридаги гаплардан шу нарса маълум бўляптики, «Internet» мусиқа савдоси билан шуғулланувчи ва аудио аппаратуралар ишлаб чиқарувчи фирмаларга катта хавф соляпти. Эндиликда у телевидениега ва телевизорлар ишлаб чиқарувчи фирмалар олдига ҳам худди шунда хавф солиши мумкин. Шу вақтгача телевидениега телетомошабинларни ўзининг бошқача бир хусусияти билан жалб қилувчи бошқа рақиб йўқ эди. Бундай дейишимизга сабаб, мана «Internet»да мусиқа эшитиш ва уни тарқатиш йўли топилибди-ми, демак тез орада телекўрсатувлар ҳам «Internet»га солиниши ва дунёдаги барча каналларни томоша қилиш имконияти туғилади.

Томошабин олдига эса телевизор ёки компьютердан бирини танлаш имконияти берилса, албатта у компьютерни танлаган бўлар эди. Компьютерда телеканалларнинг кўп тармоқли манбаи яратилиши натижасида қизиқарсиз, фақат вақт ўтказадиган каналлар фойда бермаганидан ўз-ўзидан «чеккага» чиқиб қолаверади. Демак, олдинда битта-битта йўл қолди. Ҳар биримизнинг уйимизда битта компьютер, унда «Internet». «Internet» эса ҳам ахборотлар олами, ҳам мусиқа, ҳам теледастурлар хазинаси.

Бахтиёр ҲАМИДОВ

Диққат! Диққат!

1999 йил 27 ноябрь соат 10.00да Давлат мулки қўмитаси Тошкент шаҳар Бошқармаси томонидан қуйида кўрсатилган ёнилғи қуйиш шаҳобчаларини чет эл инвесторларига сотиш бўйича танлов ўтказилади:

25 сонли АЁҚШ		27 сонли АЁҚШ	
Кўрсаткичлар	Маълумотлар	Кўрсаткичлар	Маълумотлар
Соҳа	«Ўзнефтгаз»	Соҳа	«Ўзнефтгаз»
Ҳудуд	Тошкент ш.	Ҳудуд	Тошкент ш.
Ҳуқуқий манзили	М. Улуғбек т-ни Гулсанам к-си	Ҳуқуқий манзили	Хамза т-ни, «Роҳат» кўли
Эгаллаган майдони	3275 м.кв	Эгаллаган майдони	1591 м.кв
Ёнилғи тарқатиш колонкаларининг сони	4	Ёнилғи тарқатиш колонкаларининг сони	4
Бошланғич нархи	101614 $	Бошланғич нархи	25000 $

Инвестиция танловига шошилинг!

Инвестиция танлови шартлари:

1. Нарх бўйича таклифлар.
2. Сотиб олинган АЁҚШ фаолияти йўналишини сақлаб қолиш.
3. АЁҚШ харидорининг шахсий АЁҚШлар Ассоциацияси аъзолигига кириш мажбурияти.
4. Аҳолига сотиш учун юқори сифатли ёнилғи-мойлаш материаллари (бензин, дизель ёнилғиси, мойлар) билан узлуксиз таъминлаш ва:
** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 9 июндаги 290-сонли Қарори билан тасдиқланган «Хусусийлаштирилган шахсий АЁҚШларнинг ишлаши тўғрисидаги муваққат Низоми»га;*
** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 7 сентябрдаги «Тошкент шаҳрини нефть маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш тўғрисида»ги 382-сонли Қарорига;*
** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 18 сентябрдаги 397-сонли Қарори билан тасдиқланган «Нефть маҳсулотларини сотиш ҳуқуқини берувчи лицензиясини олиш учун ҳужжатларни тақдим қилиш ва расмийлаштириш тартиби»га амал қилиш ва сўзсиз бажариш.*
5. Умумий суммаси АҚШ доллари миқдоридаги инвестициялар билан АЁҚШни эстетика ва хизмат кўрсатиш маданияти, кўрсатилаётган хизматлар доирасини кенгайтириш ва техник таъминоти бўйича жаҳон стандартлари даражасигача реконструкция қилиш мажбурияти.
6. Санитария-маиший, ёнғинга қарши ва экологик талабларни, шунингдек, аҳолига хизмат кўрсатишнинг юқори даражасини таъминлаш.
7. Аҳолига қўшимча хизматлар кўрсатиш (мой алмаштириш, автомобилларни кичик таъмирлаш, автоэҳтиёт қисмларини сотиш бўйича минимаркет ва ш. ў.).
8. Бошқа таклифлар.

Маълумотлар ва инвестиция танловини ўтказиш шартлари бўйича Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармасига мурожаат қилинсин.
Манзил: Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 13-уй, 2-қават 33-хона. Тел: 144-60-51



Фирма ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

«Ўзсаноатқурилишбанк» анъанавий банк хизматлари билан бир қаторда Сизга ўз иш жойингиздан чиқмай туриб банкдаги ҳисоб варақларини самарали бошқариш имконини берадиган «Банк-мижоз» электрон ҳисоб-китоб тизимидан фойдаланишни таклиф этади.

«Банк-мижоз»

тизими Сизга қуйидаги имкониятларни беради:

- *банкка кундалик ташрифлардан халос бўлиб, ўз вақтингизни тежайсиз ва маблағларингизни оширасиз;*
- *тўлов ҳужжатларини тайёрлаш жараёнини автоматлаштириш, аниқ вақт режимида банк ҳисоб варақлари ҳолати тўғрисида ахборотга эга бўлиш;*
- *турли банк маълумотларини тезкор олиш;*
- *ҳудудий узоқ масофадан қатъий назар банк билан ишлай олиш;*
- *ҳисоб варақлар тўғрисидаги ахборотни янада тўлиқ муҳофаза қилиш.*

Бизнинг телефонларимиз:
(998+71) 133-33-06; 133-21-89; 34-65-62.

Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банки

Банк хизматларининг янги тури бўлган замонавий, ишончли тўлов воситаси —

«Американ Экспресс» йўл чекларини таклиф этади

Энди чет элда юрганингизда пул операциялари ўтказиш ва ҳисоб-китоб қилиш анча қулай бўлади.
«Американ Экспресс» йўл чеклари бутун дунёда энг оммабоп тўлов воситаларидан бири ҳисобланади. Бу бежиз эмас:



- *«Американ Экспресс» йўл чеклари бутун жаҳонда — аксарият банклар ва айирбошлаш пунктларида нақд пулга алмаштириб берилади. АҚШда эса бу чеклардан нақд пул ўрнида фойдаланишади;*
- *миллионлаб дўконлар, меҳмонхоналар, ресторанларда Сиз бевосита шундай чеклар билан ҳақ тўлашингиз мумкин;*
- *«АмериканЭкспресс» йўл чеклари — муддатсиз. Сиз уларни кейинги гал чет элга боргунингизча сақлаб туришингиз мумкин;*
- *йўл чекларини сотиб олаётганингизда Сиз биттагина имзо билан ўзингизни хатардан ҳоли қилиб олишингиз мумкин. Чекнинг чап юқори бурчагига имзо чекиб қўйинг, уни нақд пулга алмаштираётганингизда эса пастки чап бурчакка имзо чекасиз. Шунда дадил айтиш мумкинки, ўзингиздан бошқа ҳеч ким Сизнинг пулларингиздан фойдалана олмайди;*
- *чекларнинг яна бир афзаллиги бор. Агар «Американ Экспресс» йўл чекларини йўқотиб ёки ўғирлатиб қўйсангиз, Сиз қаерда бўлишингиздан қатъий назар, бу пулингизни 100% ундириб олишингиз мумкин. Бунинг учун телефон орқали бир мартагина қўнғироқ қилиб, айрим маълумотларни хабар қилишингиз кифоя. Кейин яқин орадаги банкда, «Американ Экспресс» банкомати ёрдамида ёки фирманинг агентликларидан бирида Сизга йўқолган чеклар ўрнига янгисини беришади.*

Қўшимча афзалликлар: мабодо Сиз бошқа ҳужжатларингизни йўқотиб қўйсангиз, кредит карточкаларингиз бекор қилинса, шошилинч тиббий ёрдамга муҳтож бўлиб қолсангиз «Американ Экспресс»нинг бутун жаҳонда ишлаб турган 1700 агентлигидан ҳар қайсиси Сизга ёрдам беради.

N B U

Йўл чеклари сотиб олиш масалалари бўйича қўшимча маълумот олиш учун пул муомаласи бош бошқармасига мурожаат қилинг. Алоқа учун телефон: 137-62-83

Сиз ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг исталган бўлимида йўл чекларини сотиб олишингиз мумкин.

Саёҳатда яхши дам олишингизни ва амалий сафарларингиз қулай ўтишини тилаймиз.

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Алимқул СУЛТОНОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Бахтиёр ҲАМИДОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Сиёсат — 133-20-36
Иқтисодиёт — 133-76-04
Маънавият — 133-07-20
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16
Ахборот — 133-76-04
Котибият — 133-21-43

Факс — 133-38-55, 133-47-80, 133-73-43, 133-06-83

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 222-70-12;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-12-56;
Урганчда — 226-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 4-61-35;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир *Алишер РЎЗИЕВ*, навбатчи *Шукур ЖАББОРОВ*

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи-дастурчи Бахтиёр ЖУМАНОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00004
Газета офсет усулида, А—2 форматида, 18.117 нусхада босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
Г — 0624

Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 21.30
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

Тошкент тажриба енгил металл қурилмалар жамоа корхонасига тезда ишга таклиф этиладилар:

- *Қўлда пайвандлаш электрпайвандловчилари, ярим автоматик машиналарда ишловчи электрпайвандловчилари, меҳнат ҳақи ишбай-мукофотли, ўртача иш ҳақи — 35000 сўм.*
- *Инженер-конструкторлар, олий маълумотли, маоши — 17000 сўм.*
- *Металл қурилмаларини йиғувчи слесарлар, ўртача иш ҳақи — 20000 сўм.*
- *Пайвандлаш ускуналари созловчилари, меҳнат ҳақи вақтбай-мукофотли, ўртача иш ҳақи — 15000 сўм.*
- *КИП электрслесарлари — меҳнат ҳақи вақтбай-мукофотли, ўртача иш ҳақи — 10000 сўм.*

***Манзил:** Тошкент шаҳри. Жарқўрғон кўчаси, 22-«А»-уй. 15, 106, 26, 23- автобусларнинг «Тошмаргёг» бекати. Тел: 96-57-40, 96-68-50.*

Ҳурматли инвесторлар!

1922 йилдан буён фаолият кўрсатиб келаётган Ўзбекистон акциядорлик тижорат саноат-қурилиш банки «Ўзсаноатқурилишбанк» Сизни ўз акциядори бўлишга чорлайди.

Сизга 1500 сўмлик қийматга эга бўлган оддий ва имтиёзли акциялар таклиф қилинади. Имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар ҳар чоракда тўлаб борилади, акцияларни сотиб олиш ва расмийлаштириш тартиби ғоят осон, бу борадаги ҳаражатларни эса банк ўз зиммасига олади.
«Ўзсаноатқурилишбанк»нинг исталган филиалида Сизга сифатли хизмат кўрсатилади ҳамда Банк акциялари, уларни сотиб олиш ва расмийлаштириш, акциядорларнинг ҳуқуқ ва бурчлари тўғрисида тўлиқ маълумот берилади.
«Ўзсаноатқурилишбанк» акциялари осон сотиладиган қимматбаҳо қоғоз ҳисобланади. Уни ҳеч бир муаммосиз бошқа бировга сотиш, ўтказиш ёки ҳадя қилиш мумкин.

Янада тўликроқ маълумот олиш учун қуйидаги телефонлар орқали бизга мурожаат қилишингиз мумкин:
(998+71) 133-06-13; 133-24-86.

Ютқазган ўйиндан чиқади

Бир неча кундирки, «Юнусобод» спорт кошонаси гавжум. Бу ерда чарм қўлқоп усталарининг Осиё чемпионати ўтказилмоқда. Мусобақанинг тантанали очилиш маросими ўзига хос байрамга айланди. Мухлислар билан лиқ тўла спорт масканида аввалига ажойиб тароналар таралди. Мамлакатимиз таниқли санъаткорлари ва қўшиқчи гуруҳларининг чиқишларидан мезбону меҳмонлар завқландилар. Шундан кейин Осиё чемпионатига тайёргарлик ва уни ўтказиш ташкилий қўмитаси раиси, республика бош вазири ўринбосари Ҳ. Кароматовга сўз берилди. У юртимизда спортнинг ривожланиб бораётганлиги, йигит-қизларимизнинг халқаро майдонларда доврўғ таратишаётгани мустақиллик шарофатидан эканини эътироф этиб, бундан 7-8 йил илгари Тошкентда Осиё чемпионати ўтказилади дейилса ҳеч ким ишонмасди деган фикрни билдирди. Дарвоқе, пойтахтимиз нуфузли халқаро мусобақалар ўтказиш масканига айланиб қолди. Ҳаваскор боксчилар халқаро уюшмасининг президенти Анвар Чаудри Тошкент нафақат Осиё чемпионати, балки жаҳон кубоги, ҳатто чемпионатини ўтказса ҳам бўлаверадиган ажиб шаҳардир, деган мулоҳазани ўртага ташлади. У юртимизда спортга давлат миқёсида аҳамият берилаётгани, хусусан, боксниг ҳар томонлама ривожланаётганини инобатга олиб, Президент Ислом Каримов махсус кубок билан тақдирланганлигини айтиб, тантанали равишда совринни топширди. Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси таралиб, мовий-яшил байроғимиз кўтариларкан ҳамма оёққа қалқиди.

Тантанали маросимда яна бир хайрли тадбир ўтказилди. У ҳам бўлса моҳир боксчиларнинг шарафланишидир. Бундан 25 йил аввал ўзбеклардан чиққан биринчи жаҳон чемпиони Руфат Рисқиевнинг 50 ёшга тўлгани муносабати билан уни ўртага таклиф қилиб, зарбоф тўн кийгизилди. Ўртага жаҳонгашта боксчи, 9 марта жаҳон чемпиони Артур Григорян кириб келганда гулдурос қарсаклар янгради. Шунингдек, Хьюстон шаҳрида бўлиб ўтган жаҳон чемпионати ғолиблари Муҳаммадқодир Абдуллаев, Ўткир Ҳайдаров ҳамда мазкур мусобақанинг кумуш медали совриндори Тўлқин Турғуновларга ҳам жилвакор тўн кийгизилиб, эсдалик учун суратга тушишлар бўлди.

Маълумки, Осиё чемпионати ҳамиша олимпиада услубида ташкил этилади. Бу дегани дастлабки саралаш чоғларида биринчи учрашувини бой берган боксчи ўйиндан чиқаверади. Саралаш бахслари эса қарийб 140 боксчи ўртасида ўтказилмоқда. Баҳслар эса икки дақиқадан иборат бўлиб, тўрт раундлидир. Мусобақанинг биринчи куни 48, 54, 67 ва 71 килограмм вазнлилар орасида жами 15 та учрашув бўлди. Юртдошларимиздан 67 килограмм вазнли Сирожиддин Наимов учрашувни хитойлик Вансонг билан ўтказиб, очколар ҳисобида ғалабани қўлга киритди. Моҳир йигитларимиздан Дилшод Ёрбеков эса 71 килограмм вазнли боксчи сифатида рингга кўтарилиб у ҳам хитойлик Зхенгни устунлик билан мағлубиятга учратди. Дам олиш куни эса 51, 57 ва 91 килограммдан зиёд вазнли боксчилар ўзаро баҳслашдилар. Уч нафар боксчимиз мухлисларни қувонтирди. Сирасини айтганда, Равкат Эралиевнинг жангларидан кўнгил тўлмагандай бўлди. Лекин унинг япон боксчиси Хуниюки билан жанғида аниқ зарбалари ортиқроқ эканини инобатга олган ҳакамлар ғалабани Равкатга ёзишди. 57 килограмм вазнли Тўлқин Турғунов филиппинлик Антони билан жангда бекорга жаҳон чемпионатининг кумуш медали совриндори эмаслигини намойиш эта олди. Унинг қўли баланд кўтарилди. Оғир вазнли Рустам Саидовнинг хитойлик Мижити билан баҳси кўпчиликда яхши таассурот қолдирди. Унинг кучли ва аниқ зарбалари ўз самарасини берди. Шундай қилиб ҳозирча беш нафар боксчимиз курашни давом эттириш имкониятига эга бўлиб туришибди.

Ҳайдар НОСИРОВ

Полвонларга «Нексия», «Дамас», «Тико»

Термизда кураш бўйича «Президент соврини» учун ўтказилган иккинчи халқаро турнир спортнинг мазкур тури жаҳон миқёсида кенг ривожланиб бораётганини кўрсатди. Қарийб 30га яқин мамлакатдан ташриф буюрган полвонлар ғолиблик учун курашдилар. Илгарилари бундай мусобақаларда кўпроқ мезбонларнинг устунлиги сезилиб турарди. Бу сафар эса меҳмонлар соврин учун астойдил курашдилар. Бу жаҳоний мақом олган курашнинг оммавийлашиб бораётганидан нишонадир. Ярим финал беллашувлари япон Хариоши Комамата билан ҳамюртимиз Тоштемир Муҳаммадиев ҳамда польшалик Павел Малаванец билан қозоғистонлик Достон Пиримқуловлар ўртасида давом этди. Финалга йўлланма олган Павел билан Тоштемирнинг ўзаро кураши қизғин ва муросасиз баҳсга айланди. Жаҳон чемпиони Тоштемирнинг қўли баланд келди. Шундай қилиб ғолибларга аталган «Нексия», «Дамас», «Тико» автомашиналари Тоштемир, Павел ва Достонларга насиб этди.

Словакия Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Словакиянинг Ўзбекистон Республикасидаги Элчихонаси ва «Vystavnictvo Bratislava»

«Словакия — сизнинг ишончли ҳамкорингиз» кўргазмасига чорлайди

Кўргазмада Словакиянинг тўқимачилик, қурилиш, озиқ-овқат, йўл қурилиши техникаси ва бошқа бир қатор соҳа корхоналарида тайёрланган маҳсулотлар намойиш этилади.
Кўргазма 1999 йил 2-6 ноябрь кунлари «Ўзэкспомарказ» РСКМнинг 2-кўргазмалар павильонида («Пахтачилик» павильони) соат 10⁰⁰дан 18⁰⁰гача ишлайди.

Манзил: Тошкент ш., Амир Темур кўчаси, 107.
Тантанали очилиш маросими 1999 йил 2 ноябрь куни соат 11⁰⁰да бўлиб ўтади.

Биринчи Тошкент Давлат тиббиёт институти ва клиникаси жамоаси клиника бош шифокори муовини, тиббиёт фанлари номзоди Ё. К. Йўлдошевга отаси Н. А. Семашко номли Саломатликни тиклаш ва физиотерапия илмий текшириш институти директори, Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби **К. Ю. ЙЎЛДОШЕВнинг** вафот этганлиги муносабати билан оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.

«Ўзбексавдо» Акциядорлик компанияси бошқаруви ва жамоаси Мадаминжон Ҳасановга оналари **ҚУМРИХОН аянинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.